Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 19-may, seshanba, № 62 (3567)

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2015 йил 16 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Ялпи мажлиснинг иккинчи кунини сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни** кўриб чиқишдан бошладилар. Қайд этилдики, ҳокимият ижро этувчи тармоғининг фаолияти, хусусан, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан парламент назорати босқичма-босқич ва тизимли кучайтириб борилаётган шароитда Ҳисоб палатасининг бу борадаги профессионал фаолияти давлат маблағларини мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлашнинг таъсирчан механизмларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан Ҳисоб палатаси фаолияти якунларини ҳар томонлама ва комплекс таҳлил қилиш, замонавий талаблар асосида унинг фаолияти янада такомиллаштирилиши юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш Олий Мажлис Сенатининг муҳим вазифасидир.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилди.

Ушбу вазифаларнинг самарали рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари Бюджет кодексига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан назоратни ташкил этишдан, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлигини, аниқ мақсадга йўналтирилганлигини ва самарадорлигини баҳолашдан, 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишларини экспертизадан ўтказишдан, шунингдек, берилган ваколатларга мувофиқ бошқа назорат тадбирларини ўтказишдан иборат бўлди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан бюджет маблағларидан фойдаланишга доир 33 та йўналиш бўйича 149 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Минтақаларда аниқланган молиявий қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларнинг келгусида такрорланишига йўл қўймаслик, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш устидан назорат қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ролини ошириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини текшириш натижалари халқ депутатлари Жиззах, Навоий ва Андижон вилоятлари Кенгашларининг сессияларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари иштирокида, тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг масъул ходимлари таклиф этилган ҳолда батафсил муҳокама қилинди.

Текширувлар якунларига кўра Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумот тариқасидаги хатлар ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органларига ижро этилиши шарт бўлган тақдимномалар киритилди. Ушбу маълумот тариқасидаги хатлар ва тақдимномаларда етказилган зарарнинг қайтарилишини ва ўрни қопланишини таъминлаш талаби билан бир қаторда Давлат бюджетининг даромадларини кўпайтириш ва уларни сарф қилиш самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Ҳисобот йилида қилинган ишлар натижасида давлатнинг ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган 81,5 миллиард сўмлик зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

Масалани муҳокама этиш чоғида сенаторлар Ҳисоб палатаси назорат тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликлар сонини қисқартириш ва келгусида такрорланишининг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга қаратилган ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар. Шунингдек, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш соҳасида Ҳисоб палатасининг Олий Мажлис билан ҳамкорлигини кучайтиришга, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг назорат-таҳлил тадбирларига Ҳисоб палатаси вакилларини жалб қилишга доир аниқ таклифлар ҳам ишлаб чиқилди.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини** ҳам тингладилар. Ҳисоботни муҳокама этиш чоғида **Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йилдаги фаолияти** атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратининг самарадорлигини оширишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида тармоқлараро бошқарувни кучайтиришга, экология тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилганлиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи якунларига доир қарорини бажариш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ ушбу дастурнинг 11 та асосий йўналиши бўйича 33 та тадбир бажарилди.

(Давоми 2-саҳифада).

"КАСАБА-ТУР" ВЕЛОМАРАФОНИ

ЭЛ — ХОТИРЖАМ, СПОРТ — БАЙРАМ

Соғ танда — соғлом ақл, дейди доно халқимиз. Спорт нафақат танни, қалбни ҳам тарбиялайди. Кейинги йилларда меҳнаткашлар учун жамоаларда яратилаётган шароит сабаб спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланаётганлар сони ортиб, ходимлар саломатлигига эътибор кучаймоқда.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали оммавийликка кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкиллаштирилаётган "Касаба-тур" веломарафонининг республика босқичи қўтаринки руҳда ўтказилди.

Мусобақани ташкил этишда Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон велоспорт федерацияси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлик қилди.

РАҚАМЛАР

Таъкидлаш зарурки, жорий йилда веломарафон иштирокчилари сони ўтган йилга нисбатан икки баробарга ортди. "Саломатлик акцияси" тарзида ўтказилган мазкур мусобақада 900 нафардан ортиқ ҳаваскор велоспортчи иштирок этди.

"Касаба-тур" веломарафони тўрт босқичда ташкил этилиб, жорий йилнинг март-апрел ойларида қуйи босқичлар ўтказилди. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 12594 та корхона, ташкилот ва муассасанинг 428 минг нафардан ортиқ ходими ғолиблик учун кураш олиб борди. Уларнинг 84 минг нафарини хотин-қизлар, 300 нафардан ортиғини меҳнат фахрийлари, ёши улуғ инсонлар ташкил этди. Қизғин ва дўстона беллашувлар остида ўтган мазкур спорт байрамига маҳаллалар аҳли ҳамда ёшлар ҳам кенг жалб этилди.

(Давоми 4-саҳифада).

ДАСТУР МАҚСАДИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШДИР

Ўзбекистонда 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури қабул қилинди

Мамлакатимизда транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, муҳандислик-инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон миллий автомагистралининг 2 минг километрдан зиёд қисми қурилди ва реконструкция қилинди. Темир йўлларнинг умумий узунлиги 4,6 минг километрдан ошди ва уларнинг 34 фоизи электрлаштирилди. 16 минг километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоқлари бунёд этилди. Бугунги кунда 20 миллиондан зиёд абонент мобил алоқадан фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ қабул қилинган 2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурининг ижроси мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг узвий давоми бўлади. Мазкур дастур автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўл ва ҳаво транспортини янада ривожлантириш, электр ва сув таъминоти тизимларини модернизациялаш, иқтисодиёт тармоқларига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш каби кенг кўламли мақсад ва вазифаларни қамраб олган.

(Давоми 2-саҳифада).

МАВСУМ АРАФАСИДА

Ҳадемай, болажонлар орзиқиб кутган ёзги дам олиш мавсуми бошланади. Юртимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳлар, кундузги дам олиш масканлари фарзандларимизга қучоқ очади.

ОРОМГОҲЛАР ҚУЧОҚ ОЧАДИ

Фарғона вилоятида жорий йил ёз мавсумида 121 та оромгоҳда 30 минг нафар, шундан 19 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳда 12 минг нафар, 102 та мактаб қошида ташкил этиладиган кундузги оромгоҳда 18 минг нафар бола соғломлаштирилиши режалаштирилган.

Ушбу масканларга, жумладан, стационар турдаги оромгоҳларга 430 нафар, кундузги оромгоҳларга 1500 нафар педагог ходим, 150 нафардан зиёд ички ишлар ходими, шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларга 43 нафар шифокор, 45 нафар ҳамшира, кундузги оромгоҳларга 170 нафар тиббиёт ходими бириктирилади. Ҳар бир оромгоҳда хавфсизлик, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлаш мақсадида Фарғона вилоят ИИБ томонидан 2 нафардан ички ишлар идоралари ходимлари бириктирилиб, кеча-ю кундуз қўриқлаш ташкил этилади. Шу билан бирга, бу йилдан бошлаб, шаҳар ташқарисидаги ва мактаблар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларнинг барчаси симли ва уяли алоқа воситалари билан таъминланади.

— Мавсумга катта тараддуд кўрилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Ғ.Пайзиев. — Вилоят Мувофиқлаштирувчи комиссияси томонидан жорий йилги мавсумда болаларни соғломлаштириш ишларига жами 4 млрд. 951,2 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган.

Барча шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, дарахтларга шакл бериш, ер майдонларига экин экиш ишлари бажарилди. Бу йил Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг қарорида тасдиқланган болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2015 йилга мўлжалланган Манзилли дастурга асосан Фарғона туманидаги "Тонг", "Сувчи", Фурқат туманидаги "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳларида капитал таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бундан ташқари, барча стационар йўналишдаги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича тасарруф этувчи корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан ишлар ташкил этилиб, ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиш арафасида. Хуллас, вилоятда болажонларнинг ёзги таътил даврида мароқли дам олиши учун барча шарт-шароит яратилаётир. Айрим камчиликларни бартараф этиш масаласи ҳокимликлар ва касаба уюшма ташкилотлари томонидан жиддий ўрганилиб, чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
"Ishonch" мухбири

КАСАБА УЮШМА ҲАЁТИ

СЎЗЛАРИ ДУР, ДУОСИ ОЛТИН

ҲАР СОҲАДА МАДАДКОР

Халқимизда гўзал бир удум бор: ҳар қандай ишга қўл уришдан аввал, албатта, кексаларнинг дуоси олинади.

Бу гал ҳам ана шу таомилга амал қилинди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши раиси Танзила Нарбаеванинг Наманган вилоятига ташрифи «Сўфизода» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари зиёратидан бошланди. Даставвал Собиржон ота Мўминов хонадонида бўлиб, эл ардоғидаги отахондан дуо олинди.

— Бундай эътибору эъзоздан биз, кексалар ҳамиша миннатдормиз, — дейди Собиржон ота тўлқинланиб. — Мана яқинда "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотландим. Совға-саломлар, кўнгилни кўтарувчи тилаклардан бошим осмонга етгандек бўлди.

Биз нуронийларга бутун бир йилни бағишлаган Президентимиз Ислом Каримовни ҳам, унинг доно сиёсатини амалга оширишда камарбаста бўлаётган турли ташкилот фаолларини ҳам кеча-ю кундуз дуо қиламан.

Невара-ю эвараларимга доимо уқтирадиган ўгитим шу: одам ҳаёти давомида ҳамма нарсани — молу дунёни ҳам, мансабу мартабани ҳам топиши мумкин. Аммо бахту саодатни, тинчлик-хотиржамликни пулга сотиб олиб бўлмайди. Бугун бизга шундай бахтни бераётган мустақилликнинг қадрига етинг, Ватанимизни кўз қорачиғидек асранг. Чунки биз жанггоҳларда жон олиб-жон берган пайтларда шундай гўзал замонларни орзу қилгандик, Яратгандан сўрагандик, шу учун курашгандик. Бу кунларга фақат шукрона қилишимиз керак.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Сўзлари дур, дуоси олтин >> 2-3

Банк кредити — тадбиркорнинг қаноти >> 3

Саёҳат — танга қувват >> 4

2015-yil 19-may, seshanba, № 62 (3567), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИНИ (ОМБУДСМАННИ) САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Улуғбек Насриддинович **Мухаммадиев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов

Тошкент шаҳри,
2015 йил 14 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИНИ (ОМБУДСМАННИ) САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддасининг 16-бандига ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 8-моддасининг 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисида»ги 134 – III-сонли Қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2.Улуғбек Насриддинович **Мухаммадиев** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

3.Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.

4.Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2015 йил 15 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Рашитжон Хамидович **Кадиров** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Касимов Ихтияр Уралович
Расулбердиев Умиджон Ўринбоевич
Тангабаев Бахром Абдувалиевич
Туланов Махаматиброхим Азимович.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. **Исаков** Бахтиёр Турсинматович Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин:

Алимов Ибрагим Мирзарахимович
Махмудов Алишер Шавкатович.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 май

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Экологик назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бири бўлгани ҳолда 2014 йилда экологик назорат 2013 йилнинг охирида қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунга мувофиқ принципиал жиҳатдан янги шароитларда амалга оширилди. Мазкур қонун, биринчи навбатда, назорат қилиш ва мониторинг қилишнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш, жамоатчиликни ушбу жараёнга кенг жалб қилиш, ушбу мақсадларда ижтимоий экологик назорат ўтказилишини аниқ тартибга солиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кучайтиришга, шунингдек, табиатдан фойдаланувчиларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш учун жавобгарлигини оширишга доир самарали чора-тадбирлар ҳисобига экологик назорат самарадорлигининг сифати оширилишига қўмаклашди. Сенаторлар ушбу қонуннинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бажарилишининг боришини ҳамда ушбу соҳадаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини батафсил муҳокама этдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббусига кўра 2014 йилда Ҳукуматнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни тиклаш соҳасидаги 10 та қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоатчиликнинг фаол иштирокида ишлаб чиқилди.

2013-2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳисобот йили мобайнида 951 та хўжалик юритувчи субъект текширилди, 15 мингдан ортиқ тезкор назорат тадбири ўтказилди. Саноат корхоналарида табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар ўтказилиши натижасида атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши 7,0 тоннага камайди.

Шунингдек, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини фаол жорий этиш масалалари ҳам диққат марказида бўлди. Хусусан, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ижтимоий муҳим объектларда табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий фондларининг маблағлари ҳисобидан қуёш батареяларини ўрнатиш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳисоботни муҳокама этиш чоғида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини рўёбга чиқаришга қаратилган қўмита фаолиятининг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан самарали экологик назоратни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш, экологик туризмни ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан, экологик хавфсизликнинг трансчегара таҳдидларига қарши курашиш юзасидан аниқ таклиф ҳамда тавсиялар бердилар.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида мамлакатимизда демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва изчил чуқурлаштириш соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал қилишга, Асосий қомусимизнинг низомларини амалда рўёбга чиқаришга, шунингдек, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга ва ишчанлик муҳитини оширишга ҳамда инсонларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган 17 та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати

ДАСТУР МАҚСАДИ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШДИР

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбари шу йил 16 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ривожланган инфратузилмани ташкил этмасдан, биринчи навбатда, ахборот-коммуникация тизими, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация қурилишини тараққий эттирмасдан туриб, иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан ўзгартиришга эришиш мумкин эмас.

Дастурнинг асосий мақсади ушбу вазифаларни амалга оширишдир. Унга мувофиқ 2015-2019 йилларда 25 минг километрдан зиёд электр таъминоти тармоқлари ҳамда 5 мингта трансформатор пунктини қуриш ва модернизация қилиш режалаштирилган.

Мамлакатимиз ривожи, одамларнинг даромадлари ортиши билан аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Барча ҳудудларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ривожланмоқда, янги кичик корхоналар ташкил этилмоқда, аҳоли учун замонавий уй-жойлар қўпаймоқда. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 94 фоизи совиткич, 84 фоизи турли ошхона электр жиҳозларига, 63 фоизи кир ювиш машиналари, ярмидан кўпи компьютер, чангютгич, микротўлқинли печларга эга, учдан бир қисми кондиционерлардан фойдаланмоқда.

Булар жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларидир. Лекин электр энергияси истеъмолининг ортиши узатиш тармоқларига муайян қийинчилик туғдириши мумкин. Негаки, мавжуд қувватлар бундай кучланишга мўлжалланмаган.

Шу боис дастурда ҳудудлар кесимида электр энергиясини тақсимлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш доирасида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ЎзМобайл» филиали негизида миллий мобил алоқа оператори тармоғини барпо этиш, оптик толали алоқа тармоқларини кенгайтириш, рақамли телевидениени ривожлантириш, коммутация марказларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган. Мобил алоқа хизматларини кенгайтириш, жумладан, 4G технологияларини жорий этиш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш кўзда тутилган. Бу соҳада умумий қиймати 800 миллион доллардан зиёд бўлган қўплаб лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Дастур доирасида темир йўлларнинг қайта тикланиши ва электрлаштирилиши ҳам эътиборга молик. Хусусан, Самарқанд — Бухоро, Самарқанд — Қарши ҳамда Қарши — Термиз темир йўл участкалари электрлаштирилади. Бу ёнилғи сарф-харажатларига кетадиган маблағни тежаш билан бирга йўловчи ташишни кўпайтириш, туризмни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Самарқанд – Бухоро ҳамда Самарқанд — Қарши оралиғидаги темир йўл электрлаштирилгач, ушбу йўналишларда ҳам тезюрар поездлар ҳаракатланади. Бунинг учун яна иккита замонавий электропоезд харид қилиниши мўлжалланган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тизимида ҳам қатор ишлар амалга оширилади. Пойтахтимизда янги «Тошкент-4» халқаро йўловчи терминалини барпо этиш, компания авиапаркини замонавий авиалайнерлар билан янгилаш ва бойитиш лойиҳалари шулар жумласидандир. Умуман, бу соҳада бир миллиард доллардан зиёд қийматдаги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмаси замон талаблари асосида ривожлантирилаётгани самарасида иқтисодиётимиз жадал тараққий этмоқда. Мисол учун Қўнғирот сода заводи ёки Деҳқонобод калийли ўғитлар заводини олайлик. Маълумки, бу корхоналар юртимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган. Агар замонавий йўл инфратузилмаси бўлмаса, уларни ишга тушириш, самарали ишлатиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Шу боис дастурда замонавий йўллар қуришга алоҳида эътибор қаратилган. 2,5 минг километрдан ортиқ автомобил йўлини таъмирлаш ва реконструкция қилиш белгиланган.

Дастурга мувофиқ, Ўзбекистон миллий автомагистралида олиб борилаётган қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланади. Андижондан Қўнғиротгача, Самарқанддан Термизгача бўлган автомобил йўллари жаҳон стандартлари талабларига мос даражада янгиланади.

Шунингдек, 4 минг километрдан зиёд хўжаликлараро йўллар, қарийб 2 минг километр шаҳар, қишлоқ ва туман марказлари кўчалари таъмирланиши режалаштирилган.

Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида Дастурда ичимлик суви ҳамда канализация тармоқларини қуриш ва янгилаш бўйича ҳам муайян ишлар белгиланган. Жумладан, 8 минг километрдан ортиқ ичимлик суви, 350 километрдан зиёд санитар тозалаш тармоқларини модернизация қилиш мўлжалланган.

Ушбу дастурдаги мақсадларни амалга ошириш учун 9 миллиард доллардан ортиқ маблағ, жумладан, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестиция банки, Хитойнинг Эксимбанки каби йирик халқаро молия институтларининг инвестициялари йўналтирилиши кўзда тутилган.

2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури пировард натижада мамлакатимиз саноат салоҳиятини ва аҳоли фаровонлигини янада оширади. Замонавий йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг барпо этилиши иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва технологик янгилашга кенг шароит яратади, иқтисодиётнинг жадал ривожланишига туртки бўлади. Бунинг самарасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари ёшлар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

ЎзА

СЎЗЛАРИ ДУР,

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Касаба уюшмаларининг махсус совғаси билан кириб борилган навбатдаги гўша ҳам «Сўфизода» МФЙнинг ҳурматга сазовор инсонларидан бўлган Обид ота Бойхонов хонадони бўлди. Меҳмоннинг қайси ташкилотдан экани билан қизиққан отахон "касаба уюшмалари" жавобини олгач, бироз ўйга берилди-да, "Барака топинглар, бизни йўқлаб, шунча йўл босиб келибсизлар", дея лутф кўрсатди. Отахоннинг қалб тўридан тилига кўчган "Тинчлигимиз боқий бўлсин, илойим!" деган сўзлари бизни-да дуога шерик қилди. Хонадоннинг файзидан бир сиқим нурни кўксимизга жойлаб, ёруғ хаёллар оғушида вилоятда касаба уюшмалари ҳаёти қайнаётган манзиллар сари йўл олдик.

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

— Туманимизни вилоятда янги ғоялар, ташаббуслар бешиги, дейишади, — ҳаяжон билан сўзлайди Наманган туманидаги "Ёшлар — фаровонлик учун" шўъба корхонаси ходими Муроджон Комилов. — Бу фикрнинг қанчалик ҳақиқатга мос эканлигини исботлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Корхона ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган туман кенгаши раиси Номонжон Иброҳимовни суҳбатга тортамиз.

— Коллеж битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш давр талабидир, — дейди Н.Иброҳимов. — Ушбу масалада тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда узоқ муддатли режа ишлаб чиқдик. Шу тариқа туман касаба уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш қошида "Ёшлар — фаровонлик учун" шўъба корхонаси ташкил этилди. Корхонада айни пайтда 15 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларига кимёвий ишлов бериш, кичик қурилиш, иссиқхонадаги турли хил экинларга комплекс хизмат кўрсатиш, инкубация хизмати, парранда ва чорва ҳайвонларига ветеринария хизмати кўрсатиш, пазандачилик, чеварлик бўйича хизматлар тақдим этилмоқда. Улар ҳозирда, асосан, томорқага ишлов бериш, турли даражадаги қурилиш ишларини амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Чунки кўпчилик томорқасидаги экин ёхуд дарахтга кимёвий ишлов беришдан эринади ёки керакли жиҳозлар йўқлиги сабабми, бу ишга бепарво қарайди. Корхонамиз ишчилари эса муаммо ечимида кўпчиликнинг жонига оро кирмоқда. Шунингдек, томорқасида кичкинагина иссиқхона ташкил этган юртдошларимиз зарур агротехник тадбирларни қай тарзда амалга ошириш лозимлиги ҳақида тўлиқ билимга эга бўлмаслиги мумкин. Инкубация хизматимизнинг шу пайтга қадар мавжуд турдош хизматлардан фарқли жиҳати шундаки, биз жўжа очириш билангина кифояланмаймиз, ҳар бир жўжани касалликка чалинтирмай ўстиришга ҳаракат қиламиз. Шу мақсадда жўжаларда икки марта эмлаш ишларини амалга оширмоқдамиз, хонадонларга етказилган жўжаларга патронаж хизмати кўрсатилмоқда. Улар учун витаминларга бой озуқа маҳсулотлари, "Наманган парранда" корхонаси билан ҳамкорликда эса жўжалар учун махсус қафаслар таклиф этилмоқда. Федерация Кенгаши раиси билан суҳбатдан сўнг хонадонларда енгил конструкцияли иссиқхона, ошхона, ҳаммом қурилишига ҳам эътибор қаратиш, ишловчиларимизнинг саломатлиги ва ижтимоий ҳимоясига эътиборни кучайтиришга қарор қилдик. Ёшларимизнинг мақсади — қишлоқ жойларда турли хизматлар кўрсатиш орқали одамларнинг яшаш тарзига енгиллик ва янгилик олиб киришдир. Зеро, инсон ўз меҳнатидан фақатгина даромад эмас, завқ туйиб ҳам яшамоғи лозим.

"НОРИН" КАБИ ЖЎШҚИН, ПОКИЗА

Болалиги гўзал туйғулар оғушида кечган инсоннинг қалби ҳамиша эзгуликка мойил бўлади.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаб олинди. Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг ташкил этилиши бу борадаги ишлар сифатини янада ошириб, масъул ташкилотлар фаолияти уйғунлигини таъминламоқда. Ушбу масалага миллий ёндашув — давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам-

2015-yil 19-may, seshanba, № 62 (3567), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Реклама ўрнида

AGROBANK

Мустақиллик тадбиркорлик фаолияти ривожига кенг йўл очди, десак муболаға бўлмайди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим бўғинига айланди. Шу ўринда Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирларни алоҳида эътироф этиш жоиз.

"Агробанк" АТБнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги фаолияти мисолида ҳам бу ҳақда тўлиқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин. Хусусан, мазкур молия ташкилотининг Наманган вилоят бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга 82,3 млрд. сўм кредит маблағи ажратилгани бу борада олиб борилган саъй-ҳаракатларнинг амалий натижасидир.

БАНК КРЕДИТИ — ТАДБИРКОРНИНГ ҚАНОТИ

Президентимиз раҳнамолигида аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорлик, хусусан, оилавий бизнесни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш, қулай тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, ушбу фаолият билан шуғулланаётган оилалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётир. Оилавий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши ободлик ва фаровонликни таъминлаш билан бир қаторда, бандлик муаммосини ҳал этиш ва аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига ҳам бевосита таъсир этади.

Яратилаётган улкан имкониятлар юртимизда оилавий тадбиркорликнинг кенг тараққий этишига туртки бўлмоқда. Жумладан, "Агробанк"нинг Наманган вилоят бошқармаси томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 54 нафар мижозга 573 млн. сўм банк кредитлари ажратилди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам бериш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, кейинги йилларда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, айниқса, тадбиркор аёлларнинг иқтисодиётдаги фаоллиги тобора ошиб бораяпти.

Банк филиали томонидан аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиш, хотин-қизларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак кўрсатиш бўйича жорий йилнинг 4 ойи давомида 145 нафар мижозга 2,4 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилди.

Бугун юртимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик қобилиятларини рағбатлантириш мақсадида яратилган зарур шарт-шароит ва имтиёзлар натижасида тадбиркор аёллар сафи тобора кенгаймоқда.



ЎзА суратлари

МОЛИЯВИЙ КЎМАК ТУФАЙЛИ

Дилфуза Аҳмедова, "Оқ ният маскани" фермер хўжалиги раҳбари:

— Мамлакатимиз тадбиркорлари учун барча қулайликлар мавжуд. Уларга банклар томонидан берилаётган кўмак айни муддао бўлаётир. Буни ўз фаолиятим мисолида ҳам тасдиқлашим мумкин.

Тадбиркорлик билан шуғулланишни анчадан буён ният қилиб юргандим. Юртимизда тадбиркорларга яратилган имкониятлар мени шундай қарор қилишга ундади. Ушбу ниятимни оила аъзоларимга билдирдим. Улар фикримни қўллаб-қувватлашди. Ишни, аввало, банк мутахассисларидан керакли маслаҳатларни олишдан бошладим. Сўнг пухта бизнес лойиҳа тайёрлаб, банкнинг Мингбулоқ филиалига тақдим этдим. Банк мутахассислари лойиҳамни маъқуллагач, менга зарур бўлган 100 млн. сўм миқдоридаги кредит маблағи ажратилди. Олинган кредит эвазига балиқчилик фермер хўжалигини ташкил этдик. Натижада, хўжалигимизда 5 нафар маҳаллий ёш доимий иш билан таъминланди.

Тадбиркор сифатида халқимиз, маҳалладошларимизнинг турмуш фаровонлиги ошишида озми-кўпми ҳиссам борлигидан мамнунман. Банкнинг кўмагида мулкдорга айландим. Эришаётган ютуғимда, албатта, банкнинг ёрдами ниҳоятда катта. Молиявий кўмак учун "Агробанк"дан миннатдорман.

Президентимизнинг "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси асосида ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари кенгаймоқда. Банк филиали томонидан коллеж битирувчиларининг бизнес ғояларини молиялаштириш учун кўплаб кредит маблағлари ажратилаётир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган коллеж битирувчиларига ажратилаётган имтиёзли кредитлар ёш тадбиркорлар сафи ортишига асос бўлмоқда.

ЯХШИ НИЯТ

Ҳабибахон Мамадалиева, коллеж битирувчиси:

— Кредит олиш мақсадида банкка бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Банк филиали ходимлари лойиҳамни маъқуллашди ва менга зарур кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам беришди. Олинган кредит маблағини чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирдим. Лойиҳа амалга ошиши натижасида, янги иш ўрни яратилди. Бошлаган ишим билан мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиш, иш ўринларини кўпайтиришни ният қилганман.

Биз, ёш тадбиркорларга яратиб берилаётган бундай имтиёзлар учун банкдан миннатдорман.

Бугун тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кичик бизнес соҳасини молиялаштириш борасидаги кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорликка ажратилаётган кредитлар салмоғи йилдан-йилга кўпаяётгани эса банкларнинг ресурс манбаи йил сайин мустаҳкамланиб, ишбилармон тадбиркорларга катта йўл очилаётганини кўрсатади.

Банк материаллари асосида "Ishonch" мухбири Насиба ИСМАТОВА тайёрлади

Хизматлар лицензияланган.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги биносида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Набиев сўнгги йилларда соҳада кечаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида маълумот берди.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг 11 туманида жами 9125 та кўп қаватли аҳоли яшаш бинолари мавжуд. Уларга 2375 та Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатмоқда. Аҳоли фаровонлиги, турмуш шарт-шароитларини янада яхшилаш мақсадида ширкатларга давлатимиз томонидан ўтган йил давомида 47 миллиарддан зиёдроқ маблағ ажратилди.

Натижада, 334 та кўп қаватли уйнинг фасадларига талаб даражасида ишлов берилди. Шунингдек, аҳоли турар жойлари атрофидаги кўплаб ноқонуний қурилмалар, турли кўринишдаги ўрамлар олиб ташланди. Аксарият уйларнинг йўлакларидаги деразалар янгиларига алмаштирилиб, эшикларга кодли қулфлар ўрнатилди ҳамда замонавий кўринишга келтирилди. Бир ярим мингдан зиёд электр шитлари, юзлаб лифтлар таъмирланиб, тегишли жойларга металл эшиклар ўрнатилди. Уйлар атрофидаги дарахтлар, гул ва буталарга ишлов берилиб, игна баргли, манзарали кўчатлар ўтқазилди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, "Ishonch" мухбири

ДУОСИ ОЛТИН

корликдаги имкониятларини йўналтириш амалиёти бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш Концепцияси" соҳа тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Натижада, оромгоҳлар нафақат жисмоний соғломлаштириш, балки фарзандларимизнинг маънавиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш масканига айланди.

Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар бир йилга мўлжалланган Манзилли дастур давлатимиз томонидан мазкур соҳа ривожига кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Унга мувофиқ, мавжуд оромгоҳлар моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, янги дам олиш масканлари барпо этилмоқда. Хабарингиз бор, бундан икки йил муқаддам Наманган вилоятининг энг сўлим ва оромбахш ҳудудида қад ростлаган "Камалак" оромгоҳига Федерация Кенгаши томонидан 2013 йилга мўлжалланган Манзилли дастур асосида маблағ йўналтирилган эди. Норин туманининг сўлим гўшасида қурилиши ниҳояланаётган "Норин" оромгоҳи ҳам келажак бунёдкорлари учун муносиб туҳфадир. Оромгоҳнинг ер майдони 3,81 гектар бўлиб, объектнинг умумий қурилиш қиймати жиҳозлар билан биргаликда 8 млрд. 956 млн. сўмни ташкил этади.

Айни пайтда оромгоҳнинг 4 та ётоқ биносида қурилиш-монтаж ишлари тугалланиб, пардозлаш ишлари кетмоқда. 200 ўринга мўлжалланган ошхона биноси тайёр бўлиб, барча жиҳозлар шай этиб қўйилди. Шунингдек, маъмурият, тиббиёт, хўжалик, маданият ишларига мўлжалланган бинолар ҳамда очиқ сузиш ҳавзасида якуний пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Спорт майдончалари, гуруҳлар йиғилиши ўтказиладиган майдонча, очиқ айвонлар, ўйингоҳлар қурилмалари, фавворалар ҳам болалар дунёқараши ва дидига мос ҳолда яратилмоқда. Оромгоҳ атрофи тўла ўралди.

— Мавжуд қулайликлари туфайли оромгоҳдан нафақат ёз, балки йилнинг бошқа фасларида ҳам бемалол фойдаланиш мумкин, — дейди "Касаба қурилиш таъмир" шўъба корхонаси директори Б.Низомов меҳмонларни амалга оширилаётган ишлар билан таништираркан. — Шунингдек, қурилиш ишлари жараёнида имкон қадар ҳудуднинг табиий гўзаллигини сақлашга, узоқ йиллик дарахтларни мавжуд ландшафтнинг асосий бўлагига айлантиришга ҳаракат қилдик. Айни пайтда кечани кундузга улаб, июн ойига қадар қурилиш ишларини тугаллаш ҳамда масканни болажонлар ихтиёрига топшириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

***

Юзма-юз мулоқот қалблардаги самимиятни мустаҳкамлайди, дейишади. Самимийлик эса кишига ўзгача шижоат, юксак чўққиларга интилиш завқини ато этади.

Дилдора РАҲМОНОВА, "Ishonch" мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент Минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "Миллий банк" ТИФ Тошкент вилоят бўлимининг 2015 йил 8 майдаги МР-11/2264 буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, 2/2-даҳа, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 56,9 кв.м бўлган 3 хонали, балконли (2/6), поли паркет, 40-хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 58 120 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 19 июн куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 18 июн куни соат 16:00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2015 йил 19 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 23-,26-,30 июн кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 23 июндаги такрорий савдо учун 22 июн куни соат 16:00; 2015 йил 26 июндаги такрорий савдо учун 25 июн куни соат 16:00; 2015 йил 30 июньдаги савдо учун 29 июн куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 2020 8000 4049 2060 9021, МФО 01036, СТИР: 207122519 ҳ.р.га тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-"А" уй. Тел./факс: (0-371) 228 78 96. www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ

Хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдоларимизда мавжуд бўлган давлат дастурига киритилган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари, уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин. Тел: (0 371) 22-88-44-8, 2-00-1-00-1. Факс: 228-80-24.

Хизматлар лицензияланган.

«Golden Build Trading» масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 6 майдаги 25а-сонли буйруғига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умурбод эгалик қилиш ҳуқуқлари қўйилмоқда.

1. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Алели ҚФЙ, Юқори Обод аҳоли пункти ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 400,0 кв.метрдан иборат 2 та 1, 2-сонли ер майдонлари. Ер майдонларига бўлган ҳуқуқлар ҳар бирининг бошланғич баҳоси 559 776 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиши ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9-00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси 14-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади. Буюртманоларни қабул қилиш охирги муддати 2015 йил 17 июн куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдолари 2015 йил 18 июн куни соат 11:00 да Савдо ташкилотчисининг савдолар майдончасида бўлиб ўтади.

Мазкур ер участкалари 2015 йил 18 июн куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2015 йил 25 июн ва 2 июл кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманоларни қабул килиш охирги муддати: 2015 йил 25 июн куни савдоси учун 2015 йил 24 июн куни ва 2015 йил 2 июл куни савдоси учун 2015 йил 1 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларига қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини савдо кунига қадар «Golden Build Trading» масъуличти чекланган жамиятининг «Турон банк» АТБ Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

Манзил: Бухоро шаҳри, Ҳамза кўчаси, 14-уй. Тел: (+99895) 608-71-31, (+99893) 960-31-71, E-mail: g_b_t@list.ru, Веб-сайт: www.gbt.uz. Лицензия: RR 00117. Хизматлар лицензияланган.

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Халқ банки» ДТ Қибрай филиалининг Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зебунисо кўчаси манзилида сақланаётган 2008 йилда и.ч, д/р 10 475 НАА, бошланғич нархи 21 260 656 сўм бўлган, «ВАЗ11133-110-30» русумли, «Ўзбекгуриздм» МКнинг Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Истиқлол кўчаси, 47-уй манзилида сақланаётган 2005 йилда и.ч., д/р 01 779DCA, бошланғич нархи 30 053 000 сўм бўлган «Ласетти» русумли ва 2004 йилда и.ч., д/р 01 931OCA, бошланғич нархи 12 208 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 июн куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Автотранспорт ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг душанба кунлари соат 11:00 да 2015 йил давомида сотилгунча ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси,10-уй манзилида расмий банк иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган кундан бир расмий банк иш куни олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55. Гувоҳнома №005424. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби ректорати ҳамда касаба уюшма қўмитаси Олий мактабнинг интернат мудири Баҳриддин Эгамовга укаси

Зайниддин ЭГАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 19-may, seshanba, № 62 (3567), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ ○ СПОРТ

ЭЛ — ХОТИРЖАМ, СПОРТ — БАЙРАМ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Турли соҳа ходимлари ўртасида ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг мазкур спорт турига бўлган қизиқишини ошириш ҳамда экологик тоза транспорт турини оммалаштириш ҳам ташкилотчиларнинг диққат марказида бўлди.

МУСОБАҚА

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева иштирокчиларни қутлар экан, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга қаратилаётган юксак эътибор, яратилаётган қулай шарт-шароитлар сиҳат-саломатлик учун хизмат қилаётганини, мазкур беллашувлар ходимларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишида катта аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади.

Майин ёмғир остида кечган мусобақада 20-35 ёшли ходимлар, шунингдек, 35 ва ундан катта ёшдаги ҳаваскор велоспортчилар ўзаро куч синашди. Профессионал велоспортчиларнинг чиқишлари эса кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

"Касаба-тур" веломарафони якунлари бўйича 20-35 ёшли эркаклар ўртасида Темур Обидов (Андижон вилояти), Мансур Йўлдошев (Андижон вилояти), Азиз Ҳалимов (Жиззах вилояти) шоҳсупага кўтарилди. Шу ёш тоифасида аёллар ўртасида Ирина Лукиенко (Тошкент шаҳри), Зулфия Низомова (Навоий вилояти), Райҳон Тиловова (Қашқадарё вилояти) кучли учликдан жой олди.

35 ёшдан катталар орасида баҳсларга киришган Игор Ларин (Тошкент вилояти), Георгий Бордошенко (Фарғона вилояти), Фазлиддин Шаҳобиддинов (Наманган вилояти) совриндорлар сафидан ўрин эгалладди. Аёллар ўртасида эса Галина Чиганова (Тошкент шаҳри), Светлана Железнова (Қорақалпоғистон Республикаси), Муҳайё Аҳмедова (Хоразм вилояти) бошқалардан олдин финиш чизиғини кесиб ўтди. Бу йил биринчи марта таъсис этилган умумжамоа ҳисобидаги кубок пойтахтликларга насиб этди.

Шунингдек, веломарафонда қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Хусусан, Тўрақул Яҳёев (Самарқанд вилояти), Зинаида Атоева (Бухоро вилояти) "Энг ёши улуғ пойгачи", Пана Даулетбоев (Қорақалпоғистон Республикаси), Олга Кравченко (Фарғона вилояти) "Энг маҳоратли пойгачи", Сардор Пушпов (Жиззах вилояти), Амангул Есентурлиева (Қорақалпоғистон Республикаси) "Ғалабага бўлган интилиши учун", Бектемир Ражабов (Хоразм вилояти), Ойгул Эргашева (Андижон вилояти) "Энг ёш пойгачи", Шоҳиста Қўчқорова (Хоразм вилояти) "Энг фаол аёл пойгачи" дея эътироф этилди.

Диққатга сазовор жиҳат шундаки, веломарафонда иштирок этган 10 нафар фахрий спортчи ҳам муносиб рағбатлантирилди.



Суратда: мусобақанинг жажжи иштирокчилари ака-ука Мустафо ва Муҳаммадрасул Жалиловлар.

Ғолиб ва совриндорларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан таъсис этилган махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

— Бу йилги мусобақанинг шукуҳи ўзгача бўлди. Мусобақада кексаларнинг ҳам фаол иштирок этгани, айниқса, кўпчиликни қувонтирди. Ўзим ҳам узоқ йиллардан бери велоспорт билан шуғулланаман. Афсуски, аввалари бундай оммавий мусобақалар бўлмасди. Бугунги дориламон замонда спорт байрамларининг мунтазам ташкил этилаётгани таҳсинга сазовор, — деди "Энг ёши улуғ пойгачи" номинацияси ғолиби Тўрақул Яҳёев.

— Ходим саломат бўлса, иш унумдорлиги ортади, жамоада хушчақчақ кайфият ҳукм суради. Ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган ходимлар гимнастикаси, айниқса, саломатлигимизни мустаҳкамлашда айни муддао бўлмоқда. Бугунги мусобақа эса мана шу эзгу ишларнинг узвий давомидир, — деди мусобақа ғолибларидан бири Ойгул Эргашева.

— Яратганга шукур, тинч-осойишта юртда бахтли ҳаёт кечиряпмиз. Агар шу тинчлик, хотиржамлик бўлмаганда бундай мусобақаларни ташкил этиб бўлармиди? Одамларнинг юзидаги қувончни кўриб, кўнглинг тоғдай кўтарилади. Веломарафоннинг тобора кенг қулоч ёйиб бораётгани эса, бу спорт турининг халқимиз орасида оммавийлашиб бораётганидан далолатдир, — деди меҳнат фахрийси Мирали Хайруллаев.

— Велосипед — экологик тоза транспорт воситаси. Дунёнинг манаман деган давлатларида ҳам бу уловдан оммавий равишда фойдаланишади. Ҳам соғлиққа фойда, ҳам она табиатни асраган бўламиз. Ўзимиздан сўнг фарзандларимизга мусаффо дунё қолдириш — ҳар биримизнинг эзгу аъмолимиз бўлиши керак, — деди Райҳон Тиловова.

— Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган мусобақаларнинг, маънавий мавзуларга бағишланган турли тадбирларнинг доимий иштирокчисиман. Сўнгги йилларда велоспортга қаратилаётган эътибор кўпчилик қатори мени ҳам хурсанд қилмоқда. Чунки, бу спорт тури билан шуғулланиш кони фойда, — деди Ирина Лукиенко.

— Бугунгидай мусобақалар элимизнинг янада жипслашувига, тотувликка хизмат қилади. Веломарафонни ташкил этган, биз учун барча шароитни муҳайё қилган мутасаддиларга барча иштирокчилар номидан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман, — деди Қорақалпоғистон Республикаси вакили Пана Даулетбоев.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугун юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Элимиз тинч-тотувликда умргузаронлик қилмоқда. Демак, мана шундай спорт байрамлари яна ва яна ташкил этилиши, одамларга қувонч улашиши шубҳасиз.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири.
"Ishonch" фотомухбири Икром ХАСАНОВ олган суратлар

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

САЁҲАТ — ТАНГА ҚУВВАТ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан тармоқ тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган 30 нафар кексанинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Икки кун давом этган саёҳат чоғида нафақат кўҳна ва гўзал кентнинг қадимий обидалари, буюк аждодларимиз қолдириб кетган маданий мерос объектларида, балки, истиқлол йилларида қад кўтарган замонавий иншоотлари, сўлим боғларига ҳам ташриф буюриб, олам-олам завқ олдик.

Қаҳрамон САИДОВ,
Бухоро вилоят ИИБ касаба уюшма қўмитаси раиси

***

"Нуроний" жамғармаси Навоий шаҳар бўлими томонидан 25 нафар уруш, фронт орти ва меҳнат фахрийсининг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Улуғларимиз дастлаб Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилишди. Сўнгра шаҳардаги дунёга машҳур асору атиқалар, тарихий обидалар кўздан кечирилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Барака Зарипов, фронт орти меҳнат фахрийлари Эгам Турсунов, Фармон Турсунов ва бошқалар элимизда ҳукм сураётган тинчлик, фаровонлик учун шукроналар айтишди.

Шунингдек, "Электрокимёзавод" КК АЖ ҳомийлигида ўтказилган савобли тадбир ҳам кекса авлод вакилларига мамнуният улашди.

Ҳусан РАЗЗОҚОВ

***

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тизимдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритиб келаётган 45 нафар фаол, жамоатчи ҳамда ишловчи ёши улуғ ходимларнинг Самарқанд вилоятига саёҳати ташкил этилди.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалар, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ва истиқлол йилларида қурилган маҳобатли биноларни барчада олам-олам таассурот қолдирди.

Муножот НОРОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси

БУВИМНИНГ ЎГИТЛАРИ

Бувимнинг айтишича, ясатилган, ораста меҳмонхонадан хонадонга қутбарака ёғилармиш. Кўзни яшнатувчи гўзал нарсалар қанча кўп ва ўз ўрнида бўлса, кайфиятга кўтаринкилик, руҳга қувват бағишлармиш. Хонадоннинг «юраги» бўлган бу хона ўз кўрки билан уйга бахту омад кириб келишига замин яратармиш.

УЙНИНГ «ЮРАГИ»

Шу боис бувим меҳмонхонадаги тозаликка ҳамиша ўзлари бош-қош бўлади. Ҳар бир жиҳознинг ўрни ва жойлашишигача эътибор беради. Меҳмон ўзини қулай сезиши учун ҳар бир нарсага эътибор қаратади. Қадимий нодир буюмлар ва чиройли расмлар ҳам меҳмонхонага алоҳида кўрк бағишлашини кўп такрорлайди. Бу хонадон соҳибларининг маънавиятидан дарак беради, деб уқтиради бизга.

Ҳашамни ёмон кўрадиган бувим меҳмонхонамизда мумтоз услубдаги чиройли нақшинкор жиҳозлар бўлишига монелик қилмайди. Шунингдек, диван-креслолар, жажжигина журнал столчаси ҳам меҳмонхонага кўрк беради, дейди. Зиёфат учун мўлжалланган катта столга ҳамиша гул солинган чиройли ваза қўйилади, гуллар оппоқ ва оч қизил рангда бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Шундай қилинса, бу ердан яхши одамлар қадами узилмас, айтган тилаклари ижобат бўлар эмиш.

Меҳмонларнинг кимлиги бувим учун жуда муҳим. Агар келгувчи маънавиятли, билимдон, олим ёки эл севган инсон ёки пири бадавлат бўлса, улар кетиши билан биз неваралари-ни стол атрофига чорлайди. Яхшилар назари теккан деб мева ва ширинликлардан едиради. «Сизлар ҳам шундай гўзал хулқли бўлинглар», деб дуо қилади. Бувимнинг айтишича, яхши одамлар билан бирга уйга фаришталар ва илоҳий нур кириб келар, ва бу зиё хонадон аҳлига руҳий қувват бериб, уларни бало-қазолардан асраркан.

Беш бармоқ баробар бўлмаганидек, меҳмонлар орасида баъзан феъли чатоқ, нияти ёмонлари, турмушидан нуқул нолиб юрадиган, оиладан ҳам, ҳаётдан ҳам бахт топмаган кишилар келса, дарҳол хонани бир бошдан тозалаб, супуриб-сидириб полларини арттиради.

Хуллас, бувим кўнгил осойишталиги ҳаёт осойишталигида эканлигини айтиб, асло чарчамайди.

Қундуз СУЛТОНОВА,
Тошкент шаҳри

ОЛАМ ВА ОДАМ

Америкалик олимлар дунёдаги биринчи иссиқ қонли балиқни топди, дея хабар қилмоқда Science илмий журнали.

Иссиққон балиқ

Чуқур сувларда яшайдиган ойбалиқ ажойиб қобилиятга эга. У сутэмизувчилар ва қушлар каби бутун танасини юқори ҳароратда ушлаб тура олади. Ушбу кашфиёт АҚШнинг Калифорния қирғоқларидан унча узоқ бўлмаган жойда океан фаунасини тадқиқ қилиш давомида амалга оширилди.

Ойбалиқ кўкрагидаги сузгичларини доимий ҳаракатлантириш эвазига иссиқлик ишлаб чиқаради. Ёғ қатлами ва жабрадаги қон томирларининг бошқача тузилмаси ҳам тана ҳароратини бир меъёрда сақлаб туришга имкон беради.

Ушбу қобилият туфайли улар океаннинг чуқур сувларида бошқа йиртқич балиқларга қарши рақобатлашиши мумкин. Олимлар балиқни тутиб, унинг ҳароратини ўлчади. Ой балиқнинг ўртача ҳарорати улар сузадиган сув ҳароратидан 5 даражага иссиқлиги аниқланди.

Бу турдаги балиқлар океаннинг 50 дан 200 метргача бўлган чуқурлигида, ҳарорат 10 °С дан ошмайдиган сувда яшайди. Улар кичик балиқлар, калмарлар ва моллюскаларни ейди. Ойбалиқнинг узунлиги 2 метргача, оғирлиги эса 270 килограмгача етиши мумкин.

Бразилия фуқароси бўлган аёл 51 ёшида ўзининг йигирма биринчи фарзандини дунёга келтирди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Йигирма биринчи фарзанд

Шифокорлар унинг бу қарорига эътироз билдиришган, аёлнинг ҳомиладорлик даврида қон босими жойида бўлмаган. Лекин барча хавотирлар йўққа чиқди ва соғлом ўғил чақалоқ туғилди.

Айни вақтда она ва бола ўзларини яхши ҳис қилишмоқда. Чақалоқнинг вазни 3 килограммдан кўпроқ, бўйи эса 46,5 сантиметрни ташкил этмоқда.

Руминияда 18 ёшли қиз поезд томида селфи (ўзини суратга тушириш) олишга уриниб, кучли ток уриш натижасида ҳалок бўлди. Бу ҳақда The Mirror хабар бермоқда.

Суратга тушаман деб...

Анна Урсу ва унинг дугонаси вагон томига чиқиб, зўр селфи олиш мақсадида Руминиянинг Ясси шаҳридаги темирйўл бекатига яширинча кирган.

Вагон томига кўтарилган қизнинг қўли тасодифан қизиб турган симга тегиб кетган ва у 27 минг волт кучланишли токни қабул қилган, натижада унинг либоси ёниб кетган. Электр зарби эса қизнинг дугонасини поезд томидан ерга улоқтириб юборган.

Танасининг 50 фоиздан ортиғи куйиб кетгани ҳолда касалхонага олиб келинган қиз кўп ўтмай шу ерда вафот этган. Унинг дугонаси ҳам куйиш жароҳатини олган, бироқ ҳаётига ҳеч қандай хавф йўқлиги айтилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, бу селфи олиш истагида бўлганларнинг қурбонга айланганлиги билан боғлиқ илк ҳолат эмас. Феврал ойида америкалик йигит қайлиғи билан темирйўлда селфига тушмоқчи бўлиб, поезд остида қолиб кетганди. Январ ойи охирида эса Ҳиндистонда худди шунга ўхшаш ҳолатда уч талаба ҳалок бўлганди.

Интернет материаллари асосида А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-94) 418-67-49
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 999-58-30
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 21:10
Topshirildi — 21:40
1 2 3 4 5

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma Г — 515. 19209 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133